

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2017  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Г.АКРАМОВА</b>	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш .....	70
<b>Ш.ЮСУПОВА</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида .....	73
<b>Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ</b>	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор-ларининг когнитив типологияси .....	75
<b>Н.АЛИЕВА</b>	
Инглиз ва рус тилларидаги кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллараро корреспонденцияси .....	82
<b>Қ.КАХАРОВ</b>	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши .....	85

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ</b>	
Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш .....	88
<b>З.БОБОЕВА, С.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар .....	91
<b>Р.ДЖАЛИЛОВА</b>	
Буюк тасвирий санъат усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни .....	94

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Н.МИРЗАКАРИМОВА</b>	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари .....	96
<b>Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА</b>	
Ўрта махсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш .....	98
<b>М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОВ</b>	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш .....	100
<b>Д.ҚОДИРОВА, С.ТҲТАЕВ</b>	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси .....	102
<b>Н.ЖУРАҚҲЗИЕВ</b>	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар .....	105
<b>Д.ТЕШАБОВ</b>	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши .....	107
<b>З.АКБАРОВА</b>	
Тил ва унинг функциялари ҳақида .....	109
<b>З.САЛАХИДИНОВА</b>	
И.С.Тургенов прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси .....	111
<b>Н.ҚАРШИЕВ</b>	
Қоракўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар .....	113
<b>Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА</b>	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш .....	115
<b>Б. СОТВОЛДИЕВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти .....	116
<b>Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари .....	118
<b>Д.НУРАЛИЕВА</b>	
Оилага психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш .....	121

#### ХОТИРА

<b>Наримон Нурматович ҚОРИЕВ</b> .....	124
--	-----

#### ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиогрaфия .....	125
--------------------	-----

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЗООНИМЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ ХУСУСИДА

Ш.Юсупова

### Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳайвон номлари иштирок этган фразеологизмлар таржимаси ҳақида сўз юритилган ва мос келадиган эквивалентлар таҳлил қилинган.

### Аннотация

В статье анализируются переводы фразеологизмов с названиями животных с английского на узбекский язык, а также соответствующие им эквиваленты.

### Annotation

Translation of phraseological units that contain names of animals in English and Uzbek is eliminated and proper equivalents are analysed in this article.

**Таянч сўз ва иборалар:** фразеологизм, таржима, ҳайвон номлари, моноэквивалент, тўлиқ эквивалент, қисман мос келадиган эквивалент, танловга асосланган эквивалент.

**Ключевые слова и выражения:** фразеологизм, перевод, названия животных, моноэквивалент, полные фразеологические эквиваленты, частичные фразеологические эквиваленты, выборочные эквиваленты

**Key words and expressions:** phraseological unit, translation, names of animals, mono equivalent, full equivalent, partially proper equivalent, chosen equivalent.

Фразеологизм – тузилиш жиҳатдан сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, балки нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик. Турғун бирикмаларнинг образли, кўчма маънога эга тури.[1, 104].

Фразеологизмлар тилда сўзларни ўз маъносида эмас, кўчма маънода қўллаш асосида юзага келади. Масалан, инглиз тилидаги *a wolf in sheep's clothing* иборасида метафора асосидаги маъно кўчишини кузатишимиз мумкин. Ушбу иборада аслида ёқимсиз ва жоҳил, лекин дўстдай кўринадиган инсонлар қўй либосини кийиб олган бўрига ўхшатилади. Шунингдек, бу фразеологизм аслида зарарли, лекин биринчи кўринишда яхшига ўхшайдиган нарсаларга нисбатан ҳам ишлатилади: *The French believed that the British proposal was a wolf in sheep's clothing.*

Фразеологизмларда ҳайвон номлари кўчма маъноларининг ишлатилиши ибораларнинг тез ва осон тушунилишига ёрдам беради. Мисол учун, бўри – шафқатсизлик тимсоли. Ана шу тимсол асосида *throw someone to the wolves* ибораси шаклланди. Бу фразеологизм бирор кишини у танқид қилинадиган, унга қаттиқ босим ўтказилган вазиятга солиб қўйиб, уни ҳимоя қилмаслик ҳолатида ишлатилади: *When the minister made yet another mistake, his colleagues threw him to the wolves.*

Фразеологизмларни таржима қилишда, албатта, турли қийинчиликлар туғилади. Фразеологизмларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш борасида А.В.Кунин инглиз ва рус тили материаллари асосида бир неча хил йўллارни кўрсатиб ўтади. [2, 8-11]. Биринчи усул фразеологик бирликларни мос келадиган ибора ёрдамида таржима қилиш. Бунда фразеологик эквивалент тушунчаси асосий ўринда туради. Кунининг фикрича, фразеологик эквивалентлар икки хил бўлиши мумкин: моноэквивалентлар ва танловга асосланган эквивалентлар.

1. Моноэквивалент – мос келиши мумкин бўлган биргина эквивалент. Моноэквивалентлар икки турли бўлади: тўлиқ моноэквивалентлар ва қисман мос келадиган моноэквивалентлар.

а) тўлиқ фразеологик эквивалентлар. Бундай тўлиқ эквивалентлар ҳам грамматик жиҳатдан, ҳам ифодаланаётган образи жиҳатидан, ҳам лексик жиҳатдан, ҳам услубий томондан тўлиқ бир-бирига мос келиши лозим. Мисол учун, инглиз тилидаги *play with fire* ва ўзбек тилидаги *олов билан ўйнашмоқ* иборалари бир хил грамматик қолипга, бир хил образга эга. Бу фразеологизмлар лексик ва стилистик жиҳатдан ҳам бир-бирига тўла мос келади.

Ҳайвон номлари иштирокидаги фразеологизмлар орасида тўлиқ фразеологик

Ш.Юсупова – ФарДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

эквивалентлар жуда кам учрайди. Масалан, ўзбек тилидаги *маймун ўйнатмоқ* ибораси ҳаддан ортиқ бетартиблик, тўс-тўполон қилаётган, бошқаларни кулдиришга ҳаракат қилаётган инсонлар ҳолатига нисбатан ишлатилади. Инглиз тилида эса бундай ҳолатлар учун *act (or play) the ape* фразеологизмдан фойдаланадилар. Бу икки фразеологизмдаги образлар бир хил ва улар лексик ва грамматик жиҳатдан бир-бирларига тўла мос келади. Шу сабабли ҳам *act (or play) the ape* фразеологизмини таржима қилишда муаммосиз ўзбек тилидаги *маймун ўйнатмоқ* иборасидан фойдаланиш мумкин.

б) қисман мос келадиган эквивалентларнинг ўзига хос томони шундаки, уларда ифодаланаётган фикрда қандайдир камчилик, етишмовчилик бўлади. Уларда ё лексик жиҳатдан, ёки грамматик томондан, ёхуд услуб тарафидан мос келмаслик кузатилади. Масалан, инглиз тилидаги *a snake in the grass* – майсадаги илон ва ўзбек тилидаги *илоннинг ёғини ялаган* ибораларида ҳам юқоридаги каби қисман мосликни кузатишимиз мумкин. Икки иборада ҳам илон образи асосий ўрин тутаяди. Улар билдирадиган маъно ҳам деярли бир хил – айёр, муғомбир, ишониб бўлмайдиган киши. Шундай экан, бу фразеологизмлардан бир-бирига қисман мос

келадиган эквивалентлар сифатида таржимада фойдаланишимиз мумкин.

Инглиз тилидаги *the big bad wolf* – катта ёмон бўри ва ўзбек тилидаги *бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон* ибораларини ҳам қисман мос келадиган фразеологизмлар сифатида баҳолашимиз мумкин. Иккала фразеологизмда ҳам айбдор бўлмасалар-да, доим нохуш ҳолатлар учун сабаб қилиб кўрсатиладиган кишилар ифодаланади.

2. Танловга асосланган фразеологик эквивалентлар. Айрим ҳолларда фразеологик бирликлар таржима қилинаётганда, ўзбек тилида бир нечта ибора мос келиши мумкин. Бундай ҳолларда таржима жараёнида энг яқин маънони ифодалайдиган, энг мос образ мавжуд фразеологизм танланиши лозим.

Масалан, инглиз тилидаги *Like a cat on hot bricks* иборасига ўзбек тилида иккита эквивалент мавжуд. Булар *оёғи куйган товукдек* ва *игнада ўтиргандек* фразеологизмларидир.

Ушбу фразеологизмлардан таржима жараёнида энг мосини танлаб, контекстга мувофиқ равишда улардан бирини қўллаш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳайвон номлари иштирок этган фразеологизмларни таржима қилишда мос келадиган эквивалентлар:

Фразеологизм маъноси	Инглиз тилида	Ўзбек тилида
Бир-бирига тинчлик бермай яшайдиган инсонлар ҳаёти	<i>To live a cat and dog life</i>	<i>Ит-мушук бўлиб яшамок</i>
Муаммога сабаб бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида гапирмасликка, эсдан чиққан нарсани яна ёдга солиб, жанжалга сабаб бўлмасликка ундаш	<i>Let sleeping dogs lie</i>	<i>Ўлган илоннинг бошини қўзгама</i>
Ҳеч ким билмайдиган сир	<i>A cat in the meal</i>	<i>Урага сичқон тушди, гулдур-гуп</i>
Бирор нарсадан кўрқиб ёки хавотир олиб ўтирган инсонлар	<i>Like a cat on hot bricks</i>	<i>Оёғи куйган товукдек / Игнада ўтиргандек</i>
Бирор иш ёки зарур нарсани ишониб бўлмайдиган, хатарли кишига бериш	<i>That's like putting the cat near the goldfish bowl</i>	<i>Қўзичокни бўрига топширгандай</i>
Ўта оч қолиш	<i>I could eat a horse</i>	<i>Ўлгудай очман</i>
Ҳаддан ортиқ бетартиблик, тўс – тўполон қилаётган, бошқаларни кулдиришга ҳаракат қилаётган инсонларнинг ҳолати	<i>Act (or play) the ape</i>	<i>Маймун ўйнатмоқ</i>
Айёр, муғомбир, ишониб бўлмайдиган киши	<i>A snake in the grass</i>	<i>Илоннинг ёғини ялаган</i>

#### Адабиётлар:

1. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
2. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. Ч.1. – М., 1967.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).